

## XII. ДЕМОГРАФИКҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳри доимий аҳолиси сони 2677,2 минг кишини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 105,5 минг кишига ёки 4,1 % га ўсди.


### Тошкент шаҳри туманлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
<b>Тошкент шаҳри</b>	<b>2677,2</b>	<b>2677,2</b>	-	<b>104,1</b>	<b>104,1</b>	-
<i>туманлар:</i>						
Бектемир	36,2	36,2	-	102,5	102,5	-
Мирзо Улуғбек	285,1	285,1	-	103,1	103,1	-
Миробод	142,9	142,9	-	102,3	102,3	-
Олмазор	377,3	377,3	-	102,6	102,6	-
Сергели	215,9	215,9	-	114,4	114,4	-
Учтепа	278,3	278,3	-	102,4	102,4	-
Чилонзор	260,7	260,7	-	104,1	104,1	-
Шайхонтоҳур	348,3	348,3	-	101,4	101,4	-
Юнусобод	352,0	352,0	-	104,6	104,6	-
Яккасарой	121,6	121,6	-	100,7	100,7	-
Яшнобод	258,9	258,9	-	107,6	107,6	-

Тошкент шаҳри туманлари кесимида 2021 йил 1 январь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Олмазор туманида 377,3 минг кишини (Тошкент шаҳри аҳоли сонигаги улуши (14,1%),Юнусобод туманида 352,0 минг кишини (13,1%),Шайхонтохур туманида348,3 минг кишини (13,0 %) ва Мирзо Улуғбек туманида 285,1 минг кишини (10,7 %) ташкил этди.

### Туманлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

(2021 йил 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳри жами аҳолисига нисбатан, фоизда)




**Тошкент шаҳрида аҳолининг табиий ҳаракати  
кўрсаткичлари ва коэффициентлари  
(январь-декабрь)**

Кўрсаткичлар	Киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Туғилганлар	50285	54874	19,8	20,9
Ўлганлар	15482	21199	6,1	8,1
шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар	629	660	13,2	12,7
Никох (бирлик)	21069	21672	8,3	8,3
Ажрим(бирлик)	4529	3899	1,8	1,5

Туғилиш.2020 йил январь-декабрь ойларида 54874 та бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига (50285 та бола) нисбатан 4589 та болага кўпайди, туғилиш коэффициенти 20,9 промиллени ташкил этди.

**Аҳолининг туғилиш коэффициенти  
(январь-декабрь ойларида, 1000 аҳолига, промилле)**



Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Сергели (24,0промилледан 26,3 промиллега),Учтепа (24,1 промилледан 25,6 промиллега), Миробод (16,1 промилледан 16,9 промиллега),Яшнобод (18,7 промилледан 20,2 промиллега), Чилонзор (18,8 промилледан 19,7 промиллега)туманларида қайд этилди.

Шу билан бирга, туғилиш коэффициентининг камайиш даражаси Бектемир (29,0 промилле 26,8 промиллега) туманида кузатилди.


**Ўлим.** 2020 йил январь-декабрь ойларида ўлганлар сони 21,2 минг кишини ташкил этиб, 2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан (5,7 минг киши)га кўп, мос равишда ўлим коэффициенти 8,1 промиллени ташкил этди (2019 йил январь-декабрда 6,1 промилле бўлган).

Ўлим коэффициенти Чилонзор (6,1 дан 8,0 промиллега), Учтепа (6,1 дан 8,9 промиллега), Бектемир (7,0 дан 8,1 промиллега), Сергели (6,6 дан 8,4 промиллега), Миробод (7,1 дан 8,6 промиллега) ва Яшнобод (7,5 дан 8,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим коэффициентининг паст даражаси Яккасарой (6,6 промилле), Шайхонтохур (7,0 промилле) туманларида қайд этилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 54,6 % қон айланиш тизими касалликларидан, 9,6 % ўсимталардан, 3,6 % овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 8,7 % нафас олиш аъзолари касалликларидан, 2,7 % бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 14,3 % юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 6,5 % бошқа касалликлардан вафот этган.

#### 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши (жами вафот этганларга нисбатан фоизда)




Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-декабрь ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 0,7 минг нафарни ташкил этиб, гўдаклар ўлими коэффициенти 12,7 промиллени (2019 йил январь-декабрда – 13,2 промилле бўлган) ташкил этди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 53,0 % перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 26,8 % нафас олиш аъзолари касалликларидан, 8,2 % туғма аномалиялардан, 6,2 % юқумли ва паразитар касалликлардан, 5,8 % бошқа касалликлардан вафот этган.

**Никоҳ ва ажримлар.** 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 21,7 мингта никоҳ ва 3,9мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 8,3 промиллени (2019 йил январь-декабрда8,3промилле бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффициенти 1,5 промиллени (2019 йил январь-декабрда1,8 промилле бўлган) ташкил этди.

**Никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралишлар коэффициентлари**  
(2020 йил январь-декабрь, 1000 аҳолига, промилле)




Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли даражада камайиши Яшнобод (8,2 дан 7,6 промиллега) туманида кузатилди.

**Никоҳ ва ажримлар сони***(январь-декабрь)**(бирликда)*

	<i>Никоҳлар</i>		<i>Ажримлар</i>	
	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>
<b>Тошкент шаҳар</b>	<b>21069</b>	<b>21672</b>	<b>4529</b>	<b>3899</b>
<i>туманлар:</i>				
Бектемир	375	423	102	86
Мирзо Улуғбек	1856	1798	547	455
Миробод	1015	1083	279	251
Олмазор	2899	3128	502	453
Сергели	1849	1954	457	411
Учтепа	2636	2674	474	348
Чилонзор	2065	2136	497	384
Шайхонтохур	2741	2681	423	416
Юнусобод	2853	2992	578	511
Яккасарой	810	899	216	165
Яшнобод	1970	1904	454	419


**Туманлар кесимида 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида  
никоҳлар сони бўйича тақсимланиши, бирликда**



**Никоҳ.** Дастлабки маълумотларга кўра, туманлар бўйича энг юқори никоҳ тузиш даражаси 3128 та Олмазор, 2992 та Юнусобод ва 2681 та Шайхонтоҳур туманларига тўғри келади.

Туманлар бўйича энг кам никоҳ тузиш даражаси 423та Бектемир, 899та Яккасарой ва 1083 та Миробод туманларига тўғри келади.

**Туманлар кесимида 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида никоҳдан  
ажралишлар сони бўйича тақсимланиши, бирликда**



**Ажрим.** Дастлабки маълумотларга кўра, туманлар бўйича энг юқори никоҳдан ажралишлар даражаси 511та Юнусобод, 455 та Мирзо Улуғбек ва Олмазор 453 та туманларига тўғри келади.

Туманлар бўйича энг кам никоҳдан ажралишлар даражаси 86та Бектемир, 165 та Яккасарой ва 251 та Миробод туманларига тўғри келади.

### Аҳоли миграцияси

(январь-декабрь)

(киши)

	Келиш		Кетиш		Миграция сальдоси	
	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.
<b>Тошкент шаҳар</b>	<b>34682</b>	<b>77971</b>	<b>7786</b>	<b>6108</b>	<b>26896</b>	<b>71863</b>
<i>туманлар:</i>						
Бектемир	772	944	200	159	572	785
Мирзо Улуғбек	4847	9478	1224	804	3623	8674
Миробод	2246	4966	583	385	1663	4581
Олмазор	3697	8048	785	688	2912	7360
Сергели	4437	12576	802	721	3635	11855
Учтепа	1639	2779	650	651	989	2128
Чилонзор	4637	11583	901	559	3736	11024
Шайхонтоҳур	1777	3466	525	461	1252	3005
Юнусобод	2655	6507	853	785	1802	5722
Яккасарой	977	2141	283	243	694	1898
Яшнобод	6998	15483	980	652	6018	14831

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар бўйича кўчиб келганлар сони 77,9 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 6,1 минг кишини ташкил этди.



Шунга мувофиқ, миграция сальдоси плюс 71,8 мингкишини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврида 26,9 минг кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Яшнобод (плюс 14,8), Сергели (плюс 11,8), Чилонзор (плюс 11,0), Олмазор (плюс 7,3) ва Юнусобод (плюс 5,7) туманларида қайд этилди.

**Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатлари тўғрисида маълумот**  
(2020 йил январь-декабрь, 1000 аҳолига, промилле)

